

24 НОЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА ЎТГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИДА ХУДУДЛАРДА ХИЗМАТЛАР ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.



# НУҚУ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 26-НОЯБАР, №47 (1244)

## БЕТАРТИБ КЎЧА

Маълумотларга қараганда, охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингдан 510 мингга, яъни икки барабар ошган. Шунга мос равишда транспортлар тирбандлиги ҳам ортаётир.



2020 йилнинг 23 ноябрь куни Президентимиз Тошкент шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид концессия тақдимоти билан танилиди. Мазкур тақдимотда автомобиль тўхташ жойлари етишмаслиги сабабли йўл четиди машиналар йиғилиб, катновга халакият бераётгани, пиёдалар ва велосипедлар ҳаракати учун қулайлик камлиги ҳақида ҳам сўз юритилди.

Масалан, сиз суратларда кўриб турган манзара бирор бозор ёки савдо мажмуаси атрофидаги эмас, балки пойтахтнинг қоқ марказидаги Шаҳрисабз 5-тор кўчасида ҳар куни такрорланадиган ҳолатдир. Бу ерга келиб қолсангиз, тирбандликда қолишингиз аниқ.

Автомобиллар кўплиги, йўл четига бетартиб кўйиб кетилгани сабабли транс-

портлар икки томонлама ҳаракатланганининг иложи йўқ. Бунинг устига совуқ кунларда пойтахтда ҳам энергия таъминотида турли авария ҳолатлари юз бермоқда. Бундай фавқуллода ҳолатлар эса ўт ўчирувчи ёки бошқа оғир техникалар ёрдамида бартараф этилади. Агар бундай техникалар шу кўчадан юришга мажбур бўлса, автомобилларнинг эгаларини го-пиб, йўлни бўшатилшига маълум вақт кетади. Унгача кичик авария жиддий талофатларга сабаб бўлиши эҳтимоли катта.

Юқорида таъкидланганидек, бу каби муаммоларни бартараф этиш учун тегишли лойиҳа ишлаб чиқилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмаси ва жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича бош режанинг дастлабки лойиҳасига кўра, 24 та йирик чорраҳада ҳаракатланиш тартибини оптималлаштириш, бу орқали тўхташлар сонини ўртача 71 фоиз ва вақтини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёнилги сарфини 34 фоиз камайтириш мумкинлиги аниқланган.

Умид қиламиз, мутасаддилар пойтахт инфратузилмасини такомиллаштиришда юқорида тилга олинган жиҳатларга ҳам эътибор қаратишади.



Қаерда ва ким билан бўлмасин, инсон бахтли яшашга ҳақли. Аммо чет эллик фуқаролар билан никоҳлангач, муаммолар гирдобиди қолаётган ҳамюртларимиз ҳам йўқ эмас.

6-БЕТ

## ИНСОНИЙЛИКДАН ЧИҚАЯПМИЗМИ?

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқанддаги хунрезлик акс этган видеолар тарқалди.

Маълум бўлишича, воқеа 2020 йил 20 ноябрь куни содир бўлган. Шу куни соат 17:30 ларда Пастдарғом тумани Арабхона маҳалласида яшовчи А.Мустонов (1978 йилда туғилган, судланмаган, тadbirkор) турмуш ўртоғи Ш.Азимовани (1989 йилда туғилган, судланмаган, ишсиз) йўл четиди Р.Эшонқуловнинг (1989 йилда туғилган, судланмаган, tadbirkor) бошқарувидаги «Nexia-3» русумли автомашинага чиқаётганини кўриб қолади. Уларнинг ишқий муносабатларини аввалдан сезиб юргани боис уйдан пичоқ олиб, йўловчи автомашинада ортидан кузатиб борган. Уларнинг изидан Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган дўконга кириб, у ерда ўзаро жанжаллашиб, қўлидаги пичоқ билан дастлаб Р.Эшонқуловнинг бўйни ва бошқа жойларига, сўнг турмуш ўртоғи Ш.Азимованинг ҳам бўйни ва бошқа жойларига бир неча марта уриб, уларни ўлдирган.

Самарқанд шаҳар прокуратураси



томонидан А.Мустоновга нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а», «ж» бандлари билан жиноят иши кўзгатилиб, у ушланган.

Бундан ташқари, ушбу видео (фото) юзасидан ИИБ ходимлари текширув олиб борган. Ваҳшийлик акс этган ушбу видеоларда самарқандлик уч йилгит томонидан тасвирга олинган, тарқатилгани маълум бўлди. Уларга нисбатан маъмурий баёънома расмийлаштирилиб, ташвирга олинган ишлари олиб борилган. Маъмурий ишлар бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан учала йилгитга нисбатан маъмурий қамқоқ жазоси тайинланган.

2021 йил учун 12 ойлик обуна:

«НУҚУ» газетасининг йиллик (52 та сон) таннархи **330 000** сўм. Газетани обуначига етказиб бериш ҳисобга олинмаган.

Тегишли ташкилотларнинг хизмат ҳаққини кўшган ҳолда йиллик обуна нархлари куйидагича.

«Матбуот тарқатувчи» АК  
**457 608** сўм  
(Тошкент ш.)

«Ўзбекистон почтаси» АЖ «Матбуот тарқатиш» филиали **468 984** сўм (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар), **454 320** сўм (Тошкент ш.)

«Кўҳна-шош» МЧЖ **392 000** сўм (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.)

«Тошкент почтаменти» филиали **454 320** сўм (Тошкент ш.)

«НУҚУ» газетаси таҳририяти билан шартномаси мавжуд ташкилотлар

## ТАЙИНЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 24 ноябрдаги буйруғига асосан Аминов Шохрух Азаматович Сирдарё вилояти прокурори лавозимига тайинланди.

### Шохрух Азаматович Аминов



Ш.Аминов 1981 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 2002 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган.

У прокуратура органларидаги иш фаолиятини 2004 йилда Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганивчиликдан бошлаб, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим прокурори, Пастдарғом тумани прокурори ўринбосари вазифаларида ишлаган. Шунингдек, Бош прокуратурада бошқарма прокурори, катта прокурори, Бош

прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи, Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директорининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

2018 йилдан шу пайтгача Навоий вилояти прокурори лавозимида ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 24 ноябрдаги буйруғига асосан Ахмедов Бахтиёр Басимович Навоий вилояти прокурори лавозимига тайинланди.

### Бахтиёр Басимович Ахмедов



Б.Ахмедов 1976 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1998 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган.

У прокуратура органларидаги иш фаолиятини 1998 йилда Янгйер шаҳар прокуратурасида иш ўрганивчиликдан бошлаб, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Сирдарё вилояти прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Оқолтин тумани прокурори лавозимларида ишлаган. Шунингдек, Бош прокуратурада бўлим прокурори, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти бошқар-

маси бошлиғи, Навоий вилояти прокурорининг ўринбосари вазифаларида фаолият юритган.

2019 йилдан шу пайтгача Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари лавозимида ишлаган.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР

**Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан назорат остидаги ҳарбий қисм ва муассасалар қўмондонликлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорликдаги режалар ишлаб чиқилиб, доимий равишда ҳар ҳафтанинг пайшанба – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасида ҳарбий хизматчилар иштирокида маъруза, прокурорлик соати, учрашув, очиқ мулоқот ва шу каби турли кўринишларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.**

Навбатдаги, Миллий гвардиянинг Қашқадарё вилояти кўриқлаш бошқармасида 2020 йил 19 ноябрда ўтказилган тадбир ҳам айни шу масалаларга бағишланди.

Бошқарма офицерлари ва сафдор ходимлари катнашган мазкур тадбирда “Биз жиноятчиликка қаршимиз” мавзусида маърузалар килинди ва сўзга чиққанлар иштирокчиларни кизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб беришди. Шунингдек, тадбирга вилоят ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги мутахассислари ҳам жалб этилиб, киш-кировли қунарда йўл ҳаракати қондаларига оғишмай амал қилиш ва хавфсизлик талабларига риоя этиш масалаларида атрофлича тушунтиришлар берилди.



Собиржон АШРАПОВ,  
Қарши ҳарбий прокурорининг ўринбосари

## ТАДБИР



## АКАДЕМИЯ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШУВ

23 ноябрь куни Бош прокуратура Академияси фаолияти билан танишиш бўйича пресс-тур бўлиб ўтди.

Тадбирда 20 нафардан зиёд давлат ва подавлат ОАВ вакиллари, блогерлар ҳамда интернет журналистика соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар иштирок этди.

Улар Академия кафедралари, бўлим ҳамда марказлари фаолияти, шунингдек, ўқув жараёни, илмий тадқиқотлар ҳамда тахлилий фаолиятнинг ташкил этилиши билан атрофлича танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Қатнашчиларга Академия фаолиятига оид видеоматериаллар ва тақдимотлар намойиш этилиб, тегишли брошюра ва буклетлар тақдим этилди.

Шунингдек, тадбир давомида иштирокчилар суд процесси имитацияси хонаси, криминалистика хонаси ва полигон, электрон тир ва бошқа амалий ҳамда вазиятчи машғулотлар ўтказиш учун махсус жиҳозланган хоналар, шунингдек Академия ўқув аудиторияларини кўздан кечиришди. Тадбир катнашчиларида электрон (масофавий) ўқитиш, воқеа жойини виртуал кўздан кечириш, Академия мультимедиа марказининг имкониятлари кизиқтириш уйғотди.

Пресс-тур иштирокчилари ўзларини кизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз муҳбиримиз

## FAOLIYAT

## МАСЪУЛИЯТСИЗ МАСЪУЛЛАР

Бутун дунёни хавотирга солган коронавирус инфекциясига қарши курашда тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатини эътироф этмай бўлмайди. Аммо улар орасида ўз вазифасига сидқидилдан ёндашмаётганлар ҳам учрамоқда.

Учкўприк тумани прокуратураси томонидан йил давомида туман тиббиёт бирлашмаси «Covid-19» ва пневмония касаллигига қарши қандай курашгани таҳлил қилинди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бу борада муайян ишларни амалга оширган. Аммо хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, бирлашмага қарашли юқумли касалликлар шифохонаси ходимлари белгиланган меъёрларга риоя қилмаган ҳолда ишлаган. Яъни бўлим шифокорлари махсус кийим киймаган, эрталабки филтрдан ўтказилма-

Бундан ташқари, бўлимда беморлар ва тиббиёт ходимлари учун алоҳида хожатхоналар ташкил қилинмаган. Чикиндиларни йиғиш, сақлаш жойлари талабга жавоб бермайди, тиббий чикиндилар йўқ қилинадиган муфел печининг атрофи ўралмаган, ёқилганда ҳосил бўлган колдиклар махсус идишга йиғилмаган ҳамда игна ва дорилардан бўшатилган ампула махсус маркировкаланган идишларга йиғилмаган.

Бундан ташқари, бўлимда беморларнинг тиббий қаргалари қониқарсиз ҳолатда юритилган, коронавирус инфекциясини даволаш ишлари «8 талкин» бўйича талабга тўлиқ жавоб бермайди, даволаш учун ишлатиладиган дорилар етишмайди.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Наврў» КВП, «Янгиқошлоқ» КВП, «Истиқбол» КВП, 58-ҚОП, 59-ҚОП, 61-ҚОП ҳамда бирлашманинг пульмонология бўлимида ҳам ишлар талаб даражасида деб бўлмади.

Текшириш якунига кўра туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Б.Ориповга нисбатан маъмурий иш кўзгатилади.

### ...даволаш учун ишлатиладиган дорилар етишмайди.

ган ҳолда фаолият олиб борган. Бўлимга келганларнинг ҳароратини ўлчаш учун парометр, антисептик ва дезинфекция воситалари ишлатилмаган.

Шунингдек, бўлимда даволанаётган беморларга ишлатилган чойшаблар, ўриндиклар бемор тузалиб уйига юборилгандан сўнг тўлиқ зарарсизлантирилмаган, кир ювиш бўлими ташкил этилмаган, зарарлантириш учун ванналар мавжуд эмас ва дазмоллаш хоналари белгиланган тартибда ташкил қилинмаган.

Ҳаётжон КОДИРОВ,  
Учкўприк тумани прокурорининг ёрдамчиси





# ЭРТАМИЗ УЛАРНИНГ ҚЎЛИДА

## ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Прокуратура органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилаётган учрашувларда улар учун қулай шароит яратиш ва муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2020 йилнинг ўтган даврида 700 мингга яқин ёшлар билан 4 мингдан ортиқ учрашув ўтказилди. Уларда ёшларнинг 50 мингдан ортиқ муаммосини ҳал этишга қўмаклашилди.

Прокурорлар ташаббуси билан меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш орқали ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда. Хусусан, прокурорларнинг қўмаги билан 19 минг киши, шу жумладан, 4200 нафар аёл-қизлар ишга жойлаштирилди. Масалан, Навоий вилоятида коронавирус инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган қурилиш, хусусий уй ширкатлари, ободонлаштириш бошқармалари ва бозорларда ҳамшира лавозими жорий этилди ва тиббиёт коллежларининг 205 нафар битирувчиси ишга олинди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ва қурилишдаги бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари таҳлил қилинди. 70 та хусусий корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси лавозими жорий этилиб, 104 кишининг бандлиги таъминланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 5 та муҳим ташаббуси доирасида ёшларни спорт ва санъатга жалб этиш, фаол ёшларни рағбатлантириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда. Масалан, ёш-

гилари ва интернетдан самарали фойдаланиш мақсадида 4 та интернет клуби таъмирланди.

26 май куни илк бора Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Июнь ойида мамлакатимизда эълон қилинган «Ёшлар ойлиги» доирасида Ёшлар иттифоқи тузилмалари ҳамкорлигида онлайн ва бошқа шаклларда 500 мингдан зиёд ёшлар билан 1700 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Шу жараёнда 2300 киши касбга ўқитишга йўналтирилди, 50 кишини уй билан таъминлашга қўмаклашилди. 19200 кишини турли тўғарақларга жалб этишда, 2000 нафарига деҳқончилик ва тадбиркорлик қилиши учун ер ажратишда ёрдам берилди.

Бундан ташқари, пойтахт ёшлари прокуратура органларига бевоқиф мурожаат қилишни таъминлаш мақсадида Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгашига қарашли «Ёшлар маркази»да прокурор хонаси ташкил этилди. Унда ҳозирга қадар 300 дан ортиқ

ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 трлн. 747 млрд. сўм кредит ажратилиб, 42 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Ақсарият ёшлар ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Ҳатто маҳсулотини четга экспорт қила бошладилар. Афсуски, давлатимиз берган бу имкониятни суниестемол қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Прокуратура органлари томонидан дастур ижроси доимий назоратга олинган. Ўтган давр мобайнида ер ажратишга оид 26 та ноқонуний қарорга протест келтирилиб, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 85 та тақдимнома киритилди. Қўлланган таъсир чораларига асосан 255 нафар мансабдорнинг интизомий, 32 нафарининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Давлат дастури доирасида нотўғри ёки самарасиз фойдаланилган 4 млрд. сўмдан ортиқ кредитнинг муддатидан аввал қайтарилиши таъминланди. Бу борада 5 та жиноят иши кўзгатилади. Масалан, «Миллий банк»нинг вилояти бўлими мансабдорлари ваколатини суниестемол қилиб, қалбаки мониторинг ва кредит бериш тўғрисидаги ҳулосалар асосида кредит ажратиб, давлатга 3 млрд. сўмдан ортиқ зарар етказгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларни давом эттирмоқда.

**Муродулла ТУРСУНМЕТОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2020 йилнинг 19-20 ноябрь кунлари Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг видеоанжуман шаклида ташкил этилган 33-ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Молия вазирлиги ва Марказий банк вакиллари билан Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди.

Мажлисида Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар делегациялари ва бошқа қузатувчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ делегациялар Евроосиё минтақасида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ муҳим масалалар, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш чоралари юзасидан фикр алмашишди.

Бундан ташқари, Евроосиё гуруҳи доирасида яратилган Халқаро комплаенс кенгаши фаолиятининг асосий принциплари тасдиқланди. Евроосиё гуруҳи ва Евроосиё иқтисодий комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморандумини имзолаш масаласи кўриб чиқилди.

Ташкилот ишчи гуруҳлари ҳамраисларининг ваколат муддати тугаётгани сабабли 33-ялпи мажлис доирасида 2021-2022 йиллар учун ишчи гуруҳларнинг янги ҳамраисларини тайинлаш мақсадида сайлов ўтказилиб, Бош прокуратура хузуридаги департамент вакили (З.Хатамов) Техник қўмак кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳининг ҳамраиси лавозимига тайинланди.

Муҳокамалар якунига қўра Евроосиё гуруҳининг сессияларо даврдаги фаолиятига оид ҳисоботи ҳамда ташкилотнинг 2021 йилга мўлжалланган режаси тасдиқланди.

**Фурқатжон МАМАДАЛИЕВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг бўлим катта инспектори

NAZORAT

## СОВУҚҚОНЛИК КЕТМАЙДИ

Янгиариқ тумани ҳокимлигида васийлик ва ҳомийлик комиссияси ташкил қилинган. Комиссия фаолияти ўрганилганда айрим камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Ишчи гуруҳнинг 7 аъзосидан 4 нафаригагина иш тақсимланган. Туман ташкилотларидаги васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва назорат қилиш комиссия раисига юклатилиши лозим бўлган ҳолда маъсул котибга юкланган. Режада белгиланган тадбирлар ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Туман халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органида ҳам ишчи гуруҳ аъзоларининг вазифалари тўлиқ кўрсатилмаган, мурожаатлар дафтари тўлиқ юритилмаган.

Васийлик ёки ҳомийликка олувчиларнинг фазилатлари, мажбуриятини бажаришга қобилияти, болалар билан муносабати мунтазам ўрганиб борилган. Туман ҳокимининг 5 майдаги қарорига асосан фуқаро М.Р. мажбуриятини лозим даражада бажармагани учун васийликдан четлаштирилган.

Туман ХТБ томонидан мактаб раҳбарларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашига, мактабгача таълим бўлимига хатлар чиқарилган бўлишига қарамадан, улар ота-онаси мамлакатдан чиқиб кетганига 6 ойдан ошган болалар ҳақида маълумот тақдим қилмаган.

Мана шу сабаблар туфайли Ширшоли маҳалласи раиси Р.Давлетов, Урганч маҳалласи раиси Р.Сапаева, Савган маҳалласи раиси Р.Полёзов, Гулшанда маҳалласи раиси Ш.Хўсинов, Гулбоғ маҳалласи раиси Д.Хўсиновга нисбатан маъмурий иш кўзгатилиб, Янгиариқ тумани маъмурий суди томонидан чора кўрилди.

Туман тиббиёт бирлашмасидаги ўрганишлар шуни кўрсатдики, ишчи гуруҳ тузилган, иш тақсимланган, режаси тасдиқланган. Аммо белгиланган ишлар тўлиқ бажарилмаган. Шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг йиғма жылдарда айрим қонунбузилишларга йўл қўйилган. Жумладан, 11 январь куни Ғ.Богбеков бурган ариза тўлиқ ўрганилмаган ва хозирги кунга қалар ушбу ариза бўйича ҳеч қандай иш қилинмаган. Ушбу ҳолат юзасидан маъмурий иш кўзгатилади ва Янгиариқ тумани марказий поликлиникаси мудири Д.Қурёзов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Гап фарзандлар тақдири ҳақида борар экан, васийлик ва ҳомийлик масаласига совуққонлик билан ёндашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Мадад ЖАББАРОВ,**  
Янгиариқ тумани прокурорининг ёрдамчиси



# ҚОНУННИНГ ҚУВВАТИ ИЖРОСИДА

Мамлакатда таълим, шу жумладан, мактабгача таълим ва тарбия, ёшларга оид давлат сиёсати каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг тараққий этиши, халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши энг аввало етук, билимли, иқтидорли ёшларни тарбиялашга боғлиқлигини мунтазам таъкидлаб келмоқда.

**М**амлакат раҳбари «Бизни ҳаммиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқароши билан боғлиқ. Бутун замон шиддат билан ўзгараётган. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айтиш пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодими деган давлат уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан» деган эди.

Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат Президенти вазифасини бажарувчи сифатида имзолаган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ҳисобланади. Унда Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шу қонунга асосланиб кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва улар давлатнинг бу соҳадagi сиёсатини амалга ошириш механизмида ривожланишига эришди.

Ўқоридаги каби қонунлар, норматив ҳужжатларда мутасаддилар олдида қўйилган вазифа

ларни астойдил бажариш билан келажагимизни таъминлашимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 23 сентябрда имзолаган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳам юқоридagi жиҳатларни эътиборга олиб яратилди.

Янги қонун 75 та моддани ўз ичига олиб, кўплаб масалаларга оидлик қиритган. Унда таълим тушунчаси «таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шаклландиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён» деб таърифланган.

Янги қонун таълим тизимида муҳим ислохотларни изчиллик билан давом эттиришга, фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонуннинг «Умумий ўрта ва ўрта-махсус таълим» деб номланган 9-моддасига эътиборни қаратиб, унинг бир жиҳати хусусида айтиб ўтиш ўринли. Ушбу моддада «иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятларини ривожлантириш

учун Президент, ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек, мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин» дейилган. Ушбу норма мамлакатда таълим соҳасини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш ва шу каби жуда кўп йўналишларни очиб берди.

Мамлакатда ёшларни фаннинг турли йўналишларидаги салоҳиятини ривожлантириш, айрим фанларни чуқур ўзлаштиришга шароит яратиш мақсадида математика, кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини оширишни назарда тутувчи қарорлар қабул қилинди.

## Янги қонунда кўплаб унутилган таълим турлари назарда тутилди.

Ушбу фанлар бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда ўқувчиларимиз фахрли ўринларни эгалламоқда.

Шу билан бирга, янги қонунда кўплаб унутилган таълим турлари ва янгидан ҳаётга таъбиқ этилган нормалар назарда тутилди. Булар экстернат тартибидagi таълим, кечки, сиртки, инклюзив таълим, масофавий, дуал таълим кабилардир. Таъкидлаш лозимки, улар бунга эҳтиёжи бўлган қобилиятли болаларнинг иқтидорини намоён этишга йўл очиб берди. Анъанавий таълим турлари бўйича ўқиш имконияти

бўлмаган ўқувчи ва талабалар жамиятда ўз ўрнини топиш учун курашди, уларнинг аксарияти ҳаётда яхши натижаларга эришди ҳам. Шунинг учун қонунга киритилган таълимнинг янги турлари жамиятда билимли шахслар кўлайишига замин яратди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилди. Бу йил айрим мактаблар битирувчиларнинг 50-60 фоизи, ҳатто ундан ҳам кўпроғи олий ўқув юртига ўқишга киргани бу борадаги ишлар тўғри ташкил этилганидан дарак беради.

Бундан ташқари, атоқли адаблар ва мутафаккирларимизнинг ижодини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, уларнинг буюк меросини ўрганиш мақсадида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Исҳоқхон Ибрагимов, Юсупов номидаги мактаблар очилди. Бутунлай йўқ бўлиб кетган китоб дўконлари, кутубхоналар тикланди, юрт аҳли китобга ошно бўлишга иштиёқ билан киришди.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг яна қатор ижобий жиҳатларини эътироф этамиз. Улардан бири мунтазам муаммо бўлиб келган таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишдаги англашилмовчиликлар ҳисобланади. Маълумки, бу масала мактабгача таълимдан то олий ўқув юртидан кейинги таълимгача ўзининг моҳиятига кўра муаммодир. Ушбу масала қонунда ўз ечимини топган бўлиб, унинг 38-моддасида алоҳида кўрсатилган.

Қонунда яна бир масалага алоҳида аҳамият берилган. Бу таълим муассасаларига ўқишга кириш, ундаги масалалардан жараён иштирокчиларининг хабардорлиги, шунингдек, бошқа масалалар таълим ташкилотларининг расмий сайтларида ёритиб борилишидир. Таълим ташкилотлари фаолиятининг очкилиги ва шаффофлиги уларда коррупциянинг олдини олишда жуда муҳим саналади. Қонуннинг 37-моддаси шу масалага бағишланган ва унда сайтларга айнан қандай материаллар киритилиши кўрсатилган.

Аммо ҳар қандай қонуннинг кучи, аҳамияти уни мутасаддилар қандай ўрганиши ва ижросини таъминлашида кўринади.

Мамлакатда таълим тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида қонуннинг 73-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар ушбу қонуннинг ижросини, ижрозиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушултирилишини таъминласин» деб кайд этилди.

Бизнингча, энди бу қонуннинг талаб даражасида ижро қилиниши ўзимизга боғлиқ.

**Фахри РАХИМОВ,**  
Бош прокуратура Академияси  
доценти, юридик фанлар доктори

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

## КАРАНТИН ҚОЙДАЛАРИНИ МЕНСИМАГАНЛАР

Ҳозир коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, ўзини асрашнинг бир чораси сифатида ишхонада, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақиб юриш талаб қилинмоқда. Карантин қоидаларига зид ҳаракатлар маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши тушултирилаяпти. Била туриб қонунда бузганлар нафақат ўзлари, балки яқинларининг ҳам вирус юқтириб олишига сабабчи бўлишади.

**К**арантин талабларига риоя этилишини таъминлаш ИИБ ходимлари зиммасига юклатилган. Бағдод тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими катта инспектори Со биржон (исмлар ўзгартирилган) 2020 йил 25 август кўни ўзига бириктирилган Дўрмонча маҳалласида хизмат вазифасини ўтамоқда эди.

Кечкурун ўзининг «Дамас» автомашинасида Муқимий кўчасидаги дўконга борганида бир неча киши спиртли ичимлик ичиб, никобсиз ўтиришганди. Улар инспекторнинг қарантин қоидаларига амал қилиш, жамоат жойида спиртли ичимлик ичмаслик, никоб тақиб олиш лозимлиги,

акс холда жавобгарликка тортилиши ҳақидаги огоҳлантиришга парво қилмай ичкиликбозликни давом эттиришади.

Инспектор машинадан тушиб телефонда ҳуқуқбузарларни тасвирга тушира бошлади. Шунда икки нафари ўрнидан туриб кетади. Ароқ ботирга айланган биттаси «расмга олма, расмга олсанг жарима тўлайманми!» дея инспекторнинг қўлидаги телефонни тортиб олиб ерга уради. Сўнг юзига кетма-кет муштлайди. Бурни қонаб гангиб қолган инспекторни йўл ўртасига судрайди. Яна дўппослаб, кетиб қолади. Инспектор ўзини ўнглаб «Дамас»да ИИБга йўл олади. Йўлда,



қойхона олдида туман ИИБ бошлигининг ўринбосарини кўриб тўхтади, бўлган воқеани айтади. Улар дўкон олдида қайтиб борганида ИИБ бошлиғи ўринбосари рўбарў келган муштмўзур билан гаплашиб уйига киргизиб юборади. Кейин инспекторни шифохонга олиб бориб биринчи ёрдамни кўрсатишади. Собиржоннинг ИИБ раҳбариятига билдиргани асосида жиноят иши қўзғатилиб, муштмўзур Тўрабой хибса олинади.

Судда унинг айби иқдорлигидан ташқари гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиғини топди. Карантин қоидаларига риоя этмасдан, ИИБ профилактика инспекторини уриб жароҳат етказган Тўрабойга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Унинг тўрт улфати эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Сайджон АБДУВАХОБОВ,**  
Бағдод тумани прокурорининг ёрдамчиси

**Боқувчиси бўлмаган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.**

# НИКОХ – БИР УМРЛИК ИТТИФОҚ

«Яхши қиз маҳалладан ортмайди» деган гап кимлар учундир ҳозир ҳам муҳим. Айримлар эса кўнглига ёққан кишини олис мамлакатлардан топади. Миллий қонунчилигимиз бу борада фуқароларга хайрихоҳ, яъни чет эллик фуқаро билан оила қуришнинг ўзига хос қоидалари, тартибига амал қилинса қифоя. Чунки қаерда ва ким билан бўлмасин, инсон бахтли яшашга ҳақли.

Унутмаслик керак, чет эллик шахс билан никоҳланган, муаммолар гирдобида қолаётган ҳамюртларимиз ҳам йўқ эмас. Бунга нима сабаб бўлмоқда? Хорижий шахс билан никоҳни қайд этишнинг тартиби қандай? Мазкур жараёнда Ўзбекистон фуқароларининг манфаати қандай ҳимоя қилинади? Ушбу саволлар юзасидан Тошкент шаҳар «Наврў» никоҳ уйи мудири Барно Рўзиева билан суҳбатлашдик.

– Барно опа, аввало, «Наврў» никоҳ уйи ва ундаги хизматлар ҳақида қисқача тўхталсангиз.

– Бизда, асосан, никоҳни қайд этиш ҳаракати амалга оширилади, шунингдек, никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларига асосан зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар ва маълумотлар бериледи. 1981 йилда ташкил топган никоҳ уйимизда бугунги кунгача тузилган барча далолатномалар архивимизда сақланади. Тошкент шаҳрида яшовчи фуқароларнинг, бундан ташқари, МДХ, чет эл фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахсларнинг никоҳлари ҳам расмийлаштирилади. Оила кодексига никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЭ органи томонидан амалга оширилиши белгиланган. Фуқаролик кодексига кўра фуқаронинг вақтинча яшаб турган жойи ҳам яшаш жойи ҳисобланади. Демак, вақтинча пойтахтда рўйхатда турган фуқаролар ҳам никоҳини қайд этиш учун бизга ариза топширишлари мумкин. Алоҳида ҳолларда, истисно тарикасида (агар ота-онаси ва никоҳга қираётган ёшлар Ўзбекистон Республикасининг



Никоҳга ариза икки томоннинг иштирокида қабул қилинади. Ариза берилган кундан бир ой ўтгач, уларнинг никоҳи қайд этилади. Қонунчилигимизда бир ойлик муддатни қисқартириш мумкинлиги ҳам белгиланган. Бунинг учун узрли сабаб бўлиши керак.

– Никоҳни расмийлаштириш жараёнидаги фамилия масаласига ҳам тўхталсангиз.

– Никоҳни қайд этишда никоҳланувчилар ўз хоҳишига кўра иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлаши ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолиши мумкин.

Никоҳланувчиларнинг фамилиялари қўшилши орқали ҳосил бўлган фамилия умумий фамилия сифатида танланишига ҳам ҳеч қандай тўқсинлик йўқ (масалан, куёв Аҳмедов келин Шухратова бўлса, шунда куёв Аҳмедов-Шухратов келин Аҳмедова-Шухратова бўлади) умумий фамилия сифатида танлаши мумкин.

– Чет эл фуқаролари билан никоҳ қайд этишда қандай қоидаларга амал қилинади?

– Бундай никоҳ умумий асосда қайд этилади. Бунда чет эл фуқаросининг аризасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда унинг никоҳда турмаслиги ҳақидаги белгиланган тартибда легализирилган ёки априор қўйилган ҳужжат (албатта, давлат тилидаги таржимаси билан) илова қилиниши лозим. Никоҳ қайд этилгач, хорижий давлатга никоҳ тузилгани ҳақидаги хабарнома белгиланган тартибда жўнатилади. Чет элда доимий яшовчи фуқароларимизнинг никоҳи ўша давлат қонунчилигига асосан унинг ваколатли органилар томонидан қайд этилади. Уларнинг никоҳи Ўзбекистоннинг консуллик идораларида ҳам қайд этилиши мумкин.

– Бизда қонуний қайд этилган никоҳ хорижда тан олинмаган ҳолатлар қузатилганми?

– Қузатилмади. Чунки бу жараён халқро нормаларга мувофиқ амалга ошади. Аввало ҳужжат лотин алифбосида ёзилади: ни-

коҳ гувоҳномаси ҳам, далолатнома ҳам. Никоҳ гувоҳномаси ўша давлатнинг тилига таржима қилинади. Адлия бошқармалари ҳужжатга априор қўйди ёки легализирилади. Ушбу ҳолатда тақдим этилган ҳужжат сўзсиз қабул қилинади. Ҳужжат Ўзбекистон қонунига ёки ўша давлат қонунига зид келмаслиги керак.

– Чет эл фуқароси билан никоҳланган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари мазкур жараёнда қандай ҳимояланади?

– Бунинг учун аввало чет эл фуқаросининг оилавий аҳволи аниқланади. Мана шунинг ўзи фуқароларимиз учун катта ғамхўрлик аслида. Оилавий аҳвол ҳақидаги маълумот ўша давлатнинг ваколатли органидан олинади. Никоҳланаётган чет эллик шахснинг бошқа никоҳи тугатилмаган бўлса, Ўзбекистонда унинг никоҳи расмийлаштирилмайди. Юқорида қайд этилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан бирортаси аниқланса ҳам никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Юртимиз фуқароси билан оила қураётган чет эл фуқароси илгарий никоҳдан ажрашган бўлса, суднинг бу ҳақдаги қарори ёки никоҳдан ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиши керак. Ушбу жараёнда давлатлар элчионалари, консуллик идоралари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга ошадими, бунда фуқаро манфаатига зид келувчи бирор жиҳат эътиборсиз қомайди. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар йўқлиги тўлиқ аниқланганидан кейингина уларнинг аризалари қабул қилиниши, никоҳи қайд этилади. Фуқароларимизнинг ҳуқуқлари муносоқ ҳимояланганига яна бир исбот шукки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриданган ўтказиш тўғрисида»ги низоми чет эл фуқаролари билан никоҳланаётганларга ҳам бирдек тааллуқли. Яъни, белгиланган тартибда 5 та йўналишда руҳий, наркологик касалликлар бўйича ҳисобда туриш-турмаслиги, тери-таносил касалликлари мавжуд

эмаслиги, сил, ОИТСга чалинган ёки йўқлиги аниқланиб, тиббий кўрик ҳулосасига кўра никоҳ қайд этилади.

– Хар бир давлатнинг оила қонунчилиги ўз менталитетидан келиб чиқиб қабул қилинади. Масалан, БАА қонунчилигида кўпхотинликка руҳсат бор. Хўш, бундай ҳолда юртимиз фуқароси билан никоҳ тузиш қандай амалга ошади?

– Бундай ҳолатда ҳам юқоридаги қоидаларга амал қилинади. Никоҳга тўқсинлик қиладиган ҳолатлар бўлса, никоҳ қайд этилмайди. Биз чет эл фуқаросининг оилавий аҳволини билмаганимизча, зарур ҳужжатларни қабул қилиб олмаганимизча бу никоҳни қайд этмаймиз.

– Коронавирус пандемияси қоидаларини ўзгартириб, чекланган ҳаётда яшашга мажбур қилди. Аммо никоҳ, туғилиш ва ўлимни тўғратишнинг илҳами йўқ. Шунингдек, мазкур ҳолатларни қайд этишнинг ҳам...

– Тўғри. Чунки шу жараёнларнинг ўзи ҳаётни, давомийликни ифодалайди. Никоҳ тузилганидан кейин фарзанд дунёга келади ва туғилиши қайд этиш бери ойнада амалга ошиши керак.

Юртимизда шу йилнинг ўзида икки марта тўлиқ карантин жорий этилди. Бунда бошқа никоҳ уйлари каби бизда ҳам иш тўхтаб қолмади, тушунтиришлар бериб борилди. Май ойидан яна юртдошларимиз никоҳ учун ариза бера бошлади. Ҳозирча карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда никоҳ қайд этилмоқда. Бизни қувонтирган, одамлар никоҳдан дабдабасиз ўтиб, маблагни максалди сарфлашга ўрганишмоқда. Жумладан, тўйлар 30 кишидан ошмаган ҳолда ўтгачти. Никоҳни қайд этиш маросимига 2 ёки 4 киши бўлиб келишяпти. Карантин чекловлари батамом бекор бўлгандан сўнг ҳам шу қоидаларнинг амалда қолгани яхши. Аммо карантин шароитида камҳарор тўй қилиб олай деб шовша-шошарлик билан йўл тутиш, келин-куёвнинг тақдирини чиска ўйлаб хал этиш нотўғри. Чунки никоҳ бир умрлик иттифоқдир.

– Айни пайтда юртимиз фуқаролари кўпроқ қайси давлат фуқаролари билан никоҳдан ўтишяпти?

– Чет элликлар билан тузилаётган никоҳларни қайд этишда юртдошларимизнинг кўпроқ Туркия фуқаролари билан турмуш қуришаётгани диққатни тортади, албатта. Бундан ташқари, АКШ, Италия, Германия, Франция, БАА, Жанубий Корея каби давлатлар фуқаролари билан ҳам никоҳлар расмийлаштирилмоқда.

– Никоҳни қайд этиш билан боғлиқ жараёнда узок йиллардан бери фаолитет юртгасиз. Муаммолар нималарда қўринади?

– Албатта, айрим номувофиқликлар бор. Жумладан, чет

эл фуқаролари юртимизга қисқа муддатга келади, яъни виза масаласи муаммога сабаб бўлиши мумкин. Ариза қабул қилинган, бир ой муддат ўтиши жоиз. Аммо чет эллик бу муддатга қолдаслиги мумкин. Мана шу каби номувофиқликлар йўқ эмас.

Иккинчи масала, баъзилар чет эл фуқароси билан турмуш қурсам, ҳаммаси яхши бўлади, деб ўйлашади. Аммо тош-тарози ҳамма жойда бор, агар ажралниш рўй берса, кўп юртдошларимиз муаммолар гирдобида қолади. Ажрашди расман қайд этилган бўлса, суд қарорини легализация қилган ҳолда ёки априор қўйдириб юртимизга олиб келиш кераклигини билишмайди. Суд қарорининг ўзини олиб қайттилади. Юртимизга келиб қўллаб овозгарчиликларни бошдан ўтказишади.

Юртимиз фуқаролари орасида ҳам биринчи никоҳини тугатмасдан туриб, шаръий никоҳ асосида бошқа билан яшаб фарзандли бўлаётганлар бор. Ачинарлиси, фарзанд қонуан никоҳдаги эрининг фарзанди саналади. Боланинг шаръий никоҳдаги эрдан туғилганини тасдиқлаштириш учун никоҳдаги эр ФХДЭ бўлимига келиб, тегишли тартибда она аризаси бўйича оталик белгилашга эътирозим йўқ мазмунида ариза ёзиб бериши керак. Шундан кейин ҳам бир қанча расмий ҳарақатлар амалга ошади ва оталик белгиланади. Никоҳдаги эрининг номига бола расмийлаштириб берилса, бу янада мураккаблашиб кетади. Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувигача отаси тўғрисидаги маълумотлар никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги аризага асосан киририлган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзувида кўрсатилган ота-ҳақидаги маълумотлар суд тартибиде бекор қилинмай туриб, бошқа шахс томонидан бу болага нисбатан оталик белгилиниши мумкин эмас. Суд қарори билан ота ҳақидаги маълумотлар бекор қилиниши шарт. Қаранг, қанча муаммо. Қолаверса, боланинг оталар ўртасида бундай сарсон бўлиши менталитетимизга ҳам тўғри келмайди.

Мени яна бир муаммо қийнайдими: қандай қилиб, ота-оналар ўз қизини ҳали никоҳдан ажрашмаган одамга турмушга беришаркин? Ачинарлиси, қизларнинг ўзи ҳам бундай никоҳга рози. Ваҳоланки, диний расм-русумлар асосида қурилган никоҳ қонуний қучга эга эмаслиги, бундан, айниқса, хотин киши жаёб кекишини наҳотки тушундирмас?

Шундай ҳолатларга қарши кўпроқ тарғибот қилишимиз керак. Айни пайтда онлайн тушунтиришлар бериб борилгани маъқул. Аммо минг тушунтирманг, одамнинг ўзида фикр бўлгани яхши, ўзини ва туғилажак фарзандларни келажакни ўйлаши керак.

Юлдуз ҲОЖИЕВА суҳбатлашди

# САБР КОСАСИ ТЎЛГАН КҮН

Аёл ҳақида гап кетганда кўпинча уни жамият гули деб атаймиз. Бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан дунёни тебратлади дея эъозлаймиз. Аммо аёл жиноятга қўл урса-чи?!



Суднинг қора курсида ўтирган бу аёл ҳали анча ёш. Ўттизга киришига яна иккига ковуни пишиги бор. Шундай бўлса-да, у содир этган жиноят фарибгарлик, одам савдоси, ўғирлик, порахўрликдан анча фарқ қилади. Бунга эса биринчи навбатда спиртли ичимликка ружу қўйишдан келиб чиққан оилавий нотинчлик, қолаверса, рашк сабаб бўлди дейиш мумкин.

Гулноранинг (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ҳам бошқа кизлар каби олам-олам орзулари бор эди. Шундай бўлса-да, ота-онанинг гапини ерда қолдирмай, узок қариндошлари бўлмиш Абдусамадга турмушга чиқди. Аммо орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас Гулнора орзулари сароб эканини англаб етди. Абдусамад деярли ҳар куни ичиб келиб, бўлар-бўлмаста жанжал чиқариб, унга қўл кўтаришга одатланди. Гулнора у билан орани очик қилишни ўйлар, бироқ ота-онани кўзи қиймас, ўзининг борлигини кун сайин сездиришни бошлаган фарзанди дунёга келса, барчаси изига тушиб кетишидан умид қилар эди.

Вақти соати етиб, оилада киз туғилди. Абдусамад бундан

қувонган бўлса-да, ичкиликни ҳам, хотинини турткилашни ҳам тўхтатмади. Бунга чидалмаган Гулнора охири кизини олиб, отасига тегишли уйга кўчиб борди. Аммо Абдусамад у ерда ҳам тинч қўймагач, ота уйига келиб, улар билан яшай бошлади. Энди эри уни кўп безовта қилмас, ора-сера бир пайдо бўлиб, кизчасини кўрарди-да, яна бадар кетарди.

Айтмоқчи, орада Гулнора рўзгорини бутлаб олиш учун Россияда ишлаб келишни режалаштирди. Бу ҳақда эрига маслаҳат қилиб, бирга боришни сўради. Абдусамад эса Россиянинг нонини еб келганини, керак бўлса ўзи бориши мумкинлигини айтиб, гапни қисқа қилди. Начора, Гулнора аёл боши билан бир ўзи сафарга отланди. Салкам бир йил Россияда ишлаб келди. Абдусамад у келганидан кейин уч кунча бирга яшайди. Бирок шу уч кун Гулнора учун уч йилга татиди. Ҳар куни ичиб келадиган Абдусамад қилдан қийик ахтариб, жанжаллашни қанда қилмади. Кейин қандай кириб келган бўлса, худди шундай чиқиб кетди.

Шундай бўлса-да, Гулнора эрининг қилмишларини уну-

тишга, оиласини сақлаб қолишга қарор қилди. Ўша кунлари отасининг юбилейини нишонлаш режалаштирилган бўлиб, у ҳам опаси-ю бошқа қариндошлари сингари тўйга эри билан боришни, бу билан ўртадаги зиддиятни юмшатишни ўйлади. Абдусамадга кўнғироқ қилиб, юбилейга таклиф қилиш ба-робарида кўп ичмасликни ҳам илтмос қилди.

Абдусамад унинг гапини ерда қолдирмади. Маст бўлса-да, тўй бошланишидан олдинроқ келди. Унинг ахволини кўриб жаҳли чиққан қайночасини табриклар, Гулнора билан ярашмоқчи эканини айтди. Начора, эгилган бошни қилич кесмас деганларидек, тўй ташвиши билан чопиб юрган қайнота уни кечирди. Қуёв ҳам бошқаларга қўшилиб, қўлидан келганча ёрдам бера бошлади.

Ҳаммаси ўйин-қулги авжига чиқканда бўлгани, отасининг юбилейига эрининг келиши-ю, шу баҳона у билан ярашиш имкони туғилганидан қувонган Гулнора қариндошлари билан рақсга тушиб ўртадан чиқмади. Аммо бу Абдусамадга ёқмади. Ўртага чиқиб сўкинганча хотинини четга судради. Орага қариндошлар тушишди. Абду-

самад тинчлангандек бўлди-ю, бироқ шундан кейин ҳам хотинининг ортидан қолмади. У қаерга борса, ўша ерга бориб олаверди.

Тўй тугаши билан Абдусамадни божасининг автомашинасига чиқаришди. Гулнора ҳам чикмоқчи эди, онаси «Сени кўрмай қўяқолсин. Бошқа машинада кетарсан» дея қайтаргач, бошқасига минди. Абдусамад йўлда ҳам тинчимади, гўдранганча сўкиниб келди. Қайночасининг уйига келишгач, уни мехмонхонага олиб кириб, ётқизмоқчи бўлишди. Аммо у ётишдан бош тортди. Ақсинча, «Нима учун даврага чиқиб, йигитлар билан ўйнадинг?!» дея Гулнорага ўшқириб, тўполон кўтарди. Гулнора бирга ўйнаганлар қариндошлари эканини тушунтиришга ҳар қанча уринмасин, фойдаси бўлмади. Жанжал қилгани етмагандек, бир маҳал Абдусамад дераза тоқчасида ётган пичокка чанг солди. Уни Гулнорага ўқталиб, «Ҳозир сени ҳам, отангни ҳам, қизингни ҳам ўлдираман» деб таҳдид қила бошлади.

Очиғи, Гулнора иш бу даражага бориб етишини кутмаганди. Ўзи-ку майли, аммо

эри отаси билан кизчасини ҳам ўлдирмоқчилигини эшитгач, ўзини бошқаролмай қолди. Санокли сониялар ичида қандай қилиб пичокни тортиб олгани-ю, унинг кўксига санчганини ўзи ҳам билмай қолди. Абдусамад шу заҳоти ерга йикилди. Гулнора шундагина нима қилиб қўйганини тушунди-ю, овозининг борича ёрдам сўраб бақириб юборди. Буни эшитган қариндош-уруғлар югуриб келишди. Шоша-пиша Абдусамадни кўтариб, кўчага олиб чиқашди. Қўшининг машинасида қасалхонага олиб боришди. Бирок шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Суд жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, судланувчининг айбига қисман иқдорлиги, қилмишидан пуншаймонлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, шунингдек, жиноят марҳумнинг спиртли ичимлик таъсирида қилган ножоиз ҳаракатлари туфайли содир этилганини инобатга олиб, Гулнора Собировага тегишли жазо тайинлади.

**Шерзод КАРИМОВ,**  
Навий вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

## МУНОФИҚНИНГ УЧ АЛОМАТИДАН БИРИ

Омонатга вафодорлик иймоннинг белгисидир. Агар иймон кетса, хиёнатга йўл очилар экан. Шунинг учун Пайғамбаримиз (с.а.в) «Омонати йўқ одамнинг иймони ҳам йўқ» деган. Имом Бухорий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда «Мунофиқнинг аломати учтадир. Гапирса ёлғон гапирди, ваъда қилса хилоф қилади, омонат қўйилса хиёнат қилади» дейилган. Афсуски, бугунги кунда мана шу учта аломат жамиятимизда борган сари оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Қурбон Мавлонов 30 ёшда, асли самарқандлик. У пул топиш мақсадида Бирлашган Араб Амириклари Дубай шаҳрига бориб, ресторанда ошпазлик қилган. Вақт ўтиши билан онласини соғингани сабабли уйига бориб келмоқчи бўлади. 2020 йилнинг февраль ойида Дубай – Тошкент йўналишидаги авиарейсга чипта со-

тиб олади. 2020 йил 20 февраль кунин Тошкентга учиб кетиш учун Дубай халқаро аэропортига борганида бир юртоши ундан юқини олиб кетишни илтмос қилади. Абдулла Ҳақимов Қурбонга хизмат ҳақи эвазига 55 доллар беришини айтганида, у рози бўлди.

Шулас, Абдулла Қурбонга ишониб, Тошкентга жўнатиши

лозим бўлган, умумий нархи 25 млн. 400 минг сўмдан ошмиқ 2 та «Iphone» телефони, 1 донга «LG» телевизор ва турли хил ширинликларни бериб юборди.

Қ.Мавлонов 21 февраль кунин Тошкентга учиб келди. Чегара ва божхона назоратидан ўтиб бўлгач, кўзи жиғини бериб юборган юқларни олиш

учун кутиб турган Шухрат Ҳақимовга тушади. Агар Қурбон иймонли йигит бўлганида эди, омонатни дарҳол эгасига топширарди. Аммо у бировнинг омонатига хиёнат қилди. Юқларни эгасига бермаслик учун Ш.Ҳақимовнинг кўнғироқларига жавоб бермай, унга кўринмасдан аэропорт биносидан чиқиб йўлларини ахтара бошлади. Режасини амалга ошириш мақсадида йўловчилар қилиб кетиши учун мўлжалланган умумий йўлдан юрмасдан, аэропортнинг учиб кетиш учун келган йўловчилар қирадиган жойига бориб, у ердаги панжарадан ошиб ташқарига чиқиб кетди.

Қурбон шу кунин Самарқандга бориб, телефонлар ва телевизорни харидор топиб сотиб юборди. Пулини эса ўз эҳтиёжига сарфлади.

Шундан сўнг юқларидан айрилган Ш.Ҳақимов ариза билан ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Қидирув натижасида Қ.Мавлонов ушланди. Тергов жараёнида қилмишига иқдор бўлди. Етказилган зарарни қоплади.

Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди томонидан Қ.Мавлоновга 2 йилу 7 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Хулқар МАНСУРОВА,**  
Тошкент авиация транспорт прокуратурининг катта ёрдамчиси

Лондон фонд биржасида Ўзбекистон томонидан миллий валютада 2 трлн. сўм ҳажмидаги суверен облигациялар жойлаштирилди.



## FAOLIYATIDAN

# АЙБИНИ ЁПИШ УЧУН АЙБ ҚИЛДИ

Хуқуқий тарғибот тадбирларида хорижда туриб интернет орқали ислом динига ёт ғояларни ёйиб ёшларнинг онгини заҳарлашга, жамиятимиздаги бирдамликка путур етказишга уринаётган шахсларнинг асл башараси кўрсатиб берилаяпти.

Ўтган йили май ойидан декабрь ойигача Россияда ишлаб келган, хорижда интернет орқали ваъзхонлик қилувчи шахсларнинг таъсирига тушиб қолган бешариқлик 24 яшар А.А.ни туман ИИБ ходимлари Бешариқ маҳалласи идорасига чақиртиришади. Унинг «ZTE» русумли телефони хотирасига Салоҳиддин домланинг, Қирғизистонда яшовчи Рафиқ қорининг жамиятимиз-

даги тинчликка раҳна солувчи маърузалари ёзиб олингани аниқланиб, ҳужжатлар расмийлаштирилади. Раҳбариятнинг топширигига биноан ИИБ ходими А.А.ни чақиртириб ҳужжатларни маъмурий судга юборишини маълум қилади. А.А. ишни судга чиқармаслик учун пул таклиф қилади. Ходим бунинг оқибатини тушунтириганидан кейин ҳам пура таклиф қилишда давом этади.

ИИБ ходимининг раҳбариятта билдиргиси асосида ўтказилган тадбирда А.А. унга хонасида 400 АҚШ долларини берганида ушланди.

Суд А.А.га айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, ёшлигини эътиборга олиб жарима жазосини тайинлади.

**Жамолбек МИРЗААХМЕДОВ,**  
департаментнинг Бешариқ тумани бўлими бошлиғи

## МУСИҚАГА ОШНО ФИРИБГАР

Мамлакат тараққиётида етук кадрларнинг ўрни беқиёсдир. Улар олий таълим муассасаларида тайёрланади. Шундай экан, ҳар бир инсон олий маълумотли бўлиш йўлида машаққат чекади. Афсуски, университет дипломини қинғир йўл билан қўлга киритишни хоҳловчилар ҳам орамизда топилади.

Суд амалиётида шу нарса маълумки, фирибгарлар олий ўқув юрталарига ўқишга киритиб қўяман деб баъзи фуқароларни алдаб пулини олишади.

Бунга мисол тариқасида судланувчи Алижон Алиевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қилмишини келтириш мумкин. У 2020 йил май ойида Икром Ўлмасовга тузоқ қўяди. А.Алиев Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги иктидорли болалар академик лицейида катта ўқитувчи бўлиб ишларди. И.Ўлмасов эса мазкур лицейни тамомлаётган эди. Устоз шогирдига тўғри йўл кўрсатиш ўрнига ногўғри маслаҳат беради. Яъни А.Алиев ўқувчиси И.Ўлмасовни юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали консерваторияга ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилади.

Бунинг эвазига ундан 5 минг АҚШ доллари талаб қилади.

20 май куни Бектемир туманидаги «Компас» савдо мажмуасида А.Алиев И.Ўлмасовдан 5 минг долларни фирибгарлик билан олган пайтида департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Мазкур жиноят 24 август куни жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани судида кўриб чиқилиб, А.Алиевга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Шамшод ЖОНБОЕВ,**  
департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими катта инспектори



## ТАМА ТЎҚМОҒИ

«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» дейишади. Аслида хато қилган одам бундан хулоса чиқариши шарт. Аммо мажозий маънода ҳассасини такрор йўқотаётган, жиноятнинг қоронғу кўчаларида бир эмас, тўрт марта тентираган кишини ким деб аташ мумкин?

Когонлик Ортиқали Қулманов (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) тўрт марта судланган. У 2020 йил 18 июнь куни Т.Жумаев билан телефон орқали гаплашар экан, уни шундай аврадики, суҳбатдоши

«Сиз ишга олиндингиз» деган хабарни эшитгандек хурсанд бўлди. Ортиқали Қулманов соддадил одамни ишонтирди.

— Когон шаҳар ободонлаштириш бўлимига ишчи бўлиб кирасиз.

— Раҳмат, ака! Иш бўлса бўлди... Сизни дуо қиламан.

— Дуо-ку ўз йўлига, лекин биласиз, уларни рози қилиш керак.


— ...Ҳа, қанча бериш керак?  
— Қвота олиш учун 150 минг сўм, ишга кириш учун бошқармага 150 АҚШ доллари берамиз.

— Менда бунча пул йўқ-да...  
Ўша куннинг ўзида соат 15:30 ларда Тохир Жумаев айни пулни олиб Ортиқали Қулмановнинг уйига келди...

«Таманинг тўқмоғи бор» деганлари ҳақиқат бўлиб чиқди.

Ортиқали Қулманов суд томонидан айбл деб топилди. Унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари, яъни 11 млн. 150 минг сўм жарима ва икки йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Зокиржон ТЕМИРОВ,**  
департаментнинг Ромитан тумани бўлими бошлиғи



## АЙТАРИ ИЛМ, АМАЛИ КИРИМ

Мамлакатимиз таълим тизими такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларига қабул жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупциянинг олдини олишга ҳам астойдил киришилган. Аммо шунга қарамай ўқишга киритаман деб одамларни алдаб пул ишлаш илинжидаги кимсалар ҳануз учраб турибди.

Департаментнинг Шўрчи тумани бўлими 2020 йил 8 июнь куни ўтказган тадбирда туман тиббиёт коллежи директори Саида Садриева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро Улуғбек Норовни коллежнинг фармацевтика йўналишига ўқишга киритиб қўйиш эвазига ундан 4 млн. 500 минг сўм ва 200 АҚШ долларини пура сифатида олаётган вақтида ушланди.

Маълум бўлишича, С.Садриева 2013 йилдан буён мазкур коллеж директори лавозимида ишлаб келган. Шу кезлари у икки марта судланиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган экан. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганлари шу бўлса керак-да.

Жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг ҳукми билан С.Садриевага озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Икки марта судланган одам таълим даргоҳида яна поракўрлик қилса, муассасанинг бўлғуси шифокорларидан нимани кутиш мумкин? Ёшлар онгида «Устозим шу ишни қилгандан кейин мен қилсам нима бўлибди?» деган фикр шакланмай-дими?

Хулоса қиладиган бўлсак, коррупцияга қарши курашишга барчамиз масъулмиз.

**Улуғбек РАХМОНОВ,**  
департаментнинг Шўрчи тумани бўлими бошлиғи

## СОЛИҚЧИ ОЛИҚ ОЛДИ

Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Қарши тумани давлат солиқ инспекцияси инспектори Х.Б.нинг қинғирлигига чек қўйилди.

Гап шундаки, Х.Б. тумандаги Потрон маҳалласида яшовчи Ж.Ў.га уйида дўкон ташкил қилгани учун товарларини мусодара қилмаслик эвазига 500 минг сўм талаб қилиб олган вақтида ушланди.

Солиқчи жинояти учун қонун олдида жавоб берди.

Давлатимиз бюджетини мустаҳкамлаш учун масъул бўлган ходимнинг ўзи жиноятга қўл урса, буни қандай баҳолаш мумкин? Суд мажлисида шу каби масалаларга ойдинлик киритилиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

**Темурмалик САМИЕВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи





## FAOLIYATIDAN

# ФУҚАРОЛАР ИШГА ТИКЛАНДИ

Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, дам олиш ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилганда судга мурожаат қилишга ҳақли.

вага 16 млн. 122 минг сўм иш ҳақини ундириш ва уни ушбу муассасага психолог лавозимига ишга тиклаш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюросининг Тахтақўпир тумани бўлимига келиб тушган ва шу кунги ишга киришилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида дастлаб тарафларга бу ҳақдаги қарорнинг нус-

халари ва муассаса раҳбарига мазкур ҳужжатнинг бажарилишини таъминлаш, ақс ҳолда келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибаблар тушунтирилган оғохлантириш хати юборилган.

Натижада А.Дуйсенбаева Тахтақўпир тумани 7-мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғига асосан ишга тикланди ва унга 16 млн. 122

минг сўм иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Галлаорол туманлараро судининг 2020 йил 29 октябрдаги ижро ҳужжати асосан Зарбдор тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактабнинг 2 сентябрдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 75-буйруғини гайриқонуний деб топиш ва бекор қилиш ҳамда Ш.Элчибоевни ушбу мактабга жисмоний тарбия фани ўқитувчиси лавозимига ишга тиклаш белгиланган.

Мазкур ҳужжат Мажбурий ижро бюроси Зарбдор тумани бўлимига 6 ноябрда келиб тушган.

Ижро ҳаракатлари давомида Ш.Элчибоев ишга тикланиши таъминланди. Шу боис ижро иши «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасига асосан тамомланди.

**Абдухалим УМАРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
МИБ бўлим катта инспектори

Фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судининг 2020 йил 26 июндаги қарорига асосан Тахтақўпир тумани 7-мактабгача таълим муассасасидан А.Дуйсенбае-

## ОЛДИНДАН 75 МИЛЛИОН

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек гаров шартномасини тузиш тартиби белгиланган.**

Мазкур қарор юзасидан аҳоли ўртасида ўтказилган тарғиботнинг натижасини бюронинг Галлаорол тумани бўлими мисолида кўриш мумкин.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2014 йил 3 апрелдаги буйруғига кўра Ф.Қаршибоевдан Ш.Қаршибоевага фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ҳужжат бюронинг Галлаорол тумани бўлимига келиб тушган ва ишга киришилган.

Юқорида қайд этилганларга ҳамда тарафларнинг талабига кўра МИБ.uz сайти орқали онлайн калькулятор ёрдамида ҳисобланганда тўланиши лозим бўлган алимент 75 млн. сўмлиги маълум бўлган. Шундан сўнг Ф.Қаршибоев шунча пулни Ш.Қаршибоевага тўлиқ тўлаб берди.

**Нурали ГУЛМУРАДОВ,**  
МИБ Галлаорол тумани бўлими давлат ижроچиси

## ТЕМИР ФАРЗАНДДАН АФЗАЛМИ?

**Бу дунёда турфа тақдирлар бор. Бир умр бахтли яшашни ниёт қилиб турмуш қурган эр-хотин ажрашиб кетади. Бунинг сабаблари турлича, аммо эркак киши оталик масъулиятини унутмаслиги лозим.**

Ғ.Хуррамов ҳам фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро судининг 2020 йил 19 июндаги қарорига асосан Н.Алиқуловага фарзанди учун алимент тўлаши белгиланган бўлса-да, у икки ой давомида бундан бўйин товлаб келган.

Бюронинг Яккабоғ тумани бўлими давлат ижрочиларининг оғохлантиришига қарамадан қарзини тўламагач, 27 август куни унинг автомашинаси хағланиб, жарима майдонига қўйилди.

Буни қарангки, қардор шу куннинг ўзида алиментни тўлаб, машинасини олиб кетди. Наҳотки жонсиз темир фарзанддан устун бўлса?

**Акбар РАДЖАПОВ,**  
МИБ Яккабоғ тумани бўлими бошлиғи

## БЕШ ЙИЛЛИК АЛИМЕНТ

**МИБ органларининг тарғиботи самара бериб, оталар фарзандлари учун алиментни ўз вақтида тўлаб бормоқда. Айримлари ҳатто Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан тасдиқланган «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан фарзанди вояга еттунига қадар ҳисобланадиган алиментни бийўла тўлапти.**

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан Фарход Мамажоновдан Машхура Абдуллаевага икки фарзанди вояга еттунига қадар ҳар ойда барча даромадининг учдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Ф.Мамажонов бюронинг Наманган шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, олдиндан тўлаш учун беш йиллик али-

ментни ҳисоблаб беришни сўраган.

Давлат ижрочиси томонидан ариза атрофлича ўрганилиб, 2025 йил декабрь ойига қадар тўланиши керак бўлган қарздорлик 56.138.420 сўм бўлиши ҳисоб-китоб қилинди. Ўз навбатида, Ф. Мамажонов мазкур суммани тўлиб берди.

**Қобилжон МУХИДДИНОВ,**  
МИБ Наманган шаҳар бўлими давлат ижрочиси

## ОТАЛАР ҚАМАЛДИ

**Бухоро шаҳар маъмурий судида алимент тўлашдан бўйин товлаб келган отанинг иши кўриб чиқилди.**

Фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро судининг 2018 йил 11 мартдаги буйруғига асосан Р.Мажидов Ў.Чориевага фарзанди учун алимент тўлаши белгиланган бўлса-да, у 2020 йил 1 февралдан 1 октябрга қадар 4,8 млн. сўм алиментни тўлашдан бўйин товлаб келган.

МИБ Олот тумани бўлими томонидан Р.Мажидовга нисбатан МЖТКнинг тегишли моддасига асосан баённома расмийлаштирилиб, ҳужжатлар билан бирга судга юборилди. Суднинг 6 ноябрдаги қарори билан

Р.Мажидовга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг 2011 йил 23 июндаги буйруғига асосан А.Содиқовдан Х.Пўлатовага фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бироқ А.Содиқов 2020 йил 1 июндан алиментни тўламай қўйган ва қарзи 3 млн. 51 минг сўмга етган. Бухоро тумани маъмурий судининг 6 ноябрдаги қарори билан у ҳам МЖТКнинг тегишли моддасига асосан 10 суткага қамалди.

**Хайрулло ХАСАНОВ,**  
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

## ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНДИ

**Бюронинг Навоий шаҳар бўлимида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2020 йил 20 августдаги қарорига асосан «Электромеханика» АЖдан 80 нафар фуқарога жами 332 млн. 234 минг сўм иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд эди.**

Ижро ҳаракатлари давомида жамиятнинг банкдаги ҳисобрақамига электрон шаклда инкассо топишириги юборилган.

Бундан ташқари, пандемия шароитида ҳуқуқи бузилган ушбу фуқароларнинг иш ҳақини зудлик билан ундириш мақсадида қардорга тегишли бўлган, Кармана туманида жойлашган бино ҳамда «ZiL-130» русумли юк машинаси ва «Damas» автомобили хатланди. Мазкур мулклар қарздорлик ҳисобига сотилиши ҳақида жамият мутасаддилари оғохлантирилди.

Кўрилган чоралар натижасида фуқароларнинг иш ҳақи тўлиқ ундирилиб, уларнинг пластик карталарига ўтказиб берилди.

**Лазиз ХАМРАЕВ,**  
МИБ Навоий шаҳар бўлими давлат ижрочиси


## СОЛИҚ ҚАРЗИ УНДИРИЛДИ

**Нарпай тумани давлат солиқ инспекциясининг қарорига асосан «Оқтошдон» акциядорлик жамиятидан давлат солиқ инспекциясига солиқ қарзини ундириш белгиланган.**

Ушбу ҳужжат асосида Мажбурий ижро бюросининг Нарпай тумани бўлими томонидан қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солинган ва унга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга сўров юборилган. Натижада «Оқтошдон» акциядорлик жамиятидан 1 млрд. 280 млн. сўм солиқ қарзи ундирилди.

**Икром ХАЙДАРОВ,**  
МИБ Нарпай тумани бўлими давлат ижрочиси

**Фарғона шаҳрида банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи «Ишга марҳамат» мономаркази иш бошлади.**



## ОҚ ЛИБОС ВА ҚОРА НИЯТ

Халқимиз шифокорларни оқ халатли оққўнгил инсонлар дейди. Афсуски, орамизда оқ либос кийиб қора ниятни амалга ошириб келаётган шифокорлар ҳам йўқ эмас.

**Ф**уқаро Шоҳсанам Бойбекова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кечаси билан йиғлаб чиққан невараси М.Илҳомовани Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникасига олиб боради. У ерда болалар травматолог-ортопеди Олим Бойматовга мурожаат қилади. Дастлаб шифокор Ш.Бойбекованинг неварасини рентгенга тушириб, тиббий кўриқдан ўтказиш ва боланинг иккала сон суягида туғма чиқиш касаллиги борлигини айтади. Шундан сўнг О.Бойматов болани поликлиникада даволаш учун шароит йўқлигини, шунинг учун уни Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига ёки Тошкент шаҳридаги шифохонага олиб бориши кераклигини тушунтиради. Ш.Бойбекова неварасини пойтахтдаги шифохонага кўрсатади. Болага муолажалар олади. Сўнг Сирдарёга кайтади.

2019 йилнинг ноябрь ойида Ш.Бойбекова неварасини яна О.Бойматовнинг олдига олиб келади ва унинг касаллиги бўйича ногиронлик нафақаси олиш учун маслаҳат сўрайди. Шифокор эса «Бола ногиронлик нафақасини олса бўлади, фақат харажати бор» дейди. Ш.Бойбекова қанчалигини сўраганида у «500 минг сўм бўлади» дейди. Орадан бир неча кун ўтган, Ш.Бойбекова ўғли Умирзоқ Раҳмонкуловга 500 минг сўм бериб, шифокорнинг олдига жўнатади.

У.Раҳмонкулов эса шифокорнинг талаби қонунга зидлигини, у фарибгарлик қилаётганини аниқлайди ва тегишли жойга арз қилади. Унинг мурожаати асосида ўтказилган тадбирда фарибгар шифокор ашёвий далил билан ушланди.

Нафс инсонни неларга етакламайди дейсиз. Пора эвазига муаммони ҳал қилиб бермоқчи бўлган О.Бойматовга суд ҳукми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Зуфаржон ИЛЬЯСОВ,**  
Сирдарё тумани прокурорининг ўринбосари

# ФИРИБ ТУҲМАТГА АЙЛАНДИ

Одам нафсига қул бўлмасин экан. Айниқса бир ёлғонни ёпаман деб иккинчисини айтса, ундан ёмони йўқ.

**Ж**иноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди томонидан Чақар маҳалласида ўтказилган суд мажлисида Фахриддин Арслоновнинг жиноят иши кўрилди. Қайд этилишича, у 1983 йилда туғилган. Маълумоти олий, вақтинча ишсиз, oilали, уч фарзанди бор. Илгари судланган.

Хуллас, воқеа бундай бўлган. Фахриддин Қарши шаҳар ҳокимлигида бирга ишлаган таниши Шухратнинг машина сотиб олиш таралдуида юрганидан хабар топиб қолди.

Дарров уни аврашга тушди: — Мен ҳозир нуфузли компанияда бўлим бошлиғи бўлиб ишляпман. Бизда техникаларнинг ҳисоби йўқ. Агар хоҳласангиз, бошлиғимнинг сотиладиган «Toyota land cruiser» машинаси бор, олиб бераман. 2018 йилда ишлаб чиқарилган. Янгидай турибди. Ўйланманг!

Пулнингиз ўзингиз билан кетди...

— Қанча бўлади? — сўради Шухрат иккилашиб.

— Сизга 35 000 доллар...

Узоқ мунозарадан сўнг савдо пишиди. Шухрат бўлиб-бўлиб унга 32 000 доллар берди. Фахриддин эса ўн кун ичида машинани олиб берадиган бўлди. Ҳатто идора ёнида турган машинани унга кўрсатди. Бирок пулни олгач, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди. Анча қарзга ботган эди, улардан кутулиб, бир муддат яйради.

Белгиланган вақт тугаб, яна қушлар ўтди ҳамки, машинадан дарак бўлмади. Шухрат кистай-вергач, Фахриддин машина учун фалон пул олганман мазмунида тилхат ёзиб бериб, уни бироз тинчлантиришга эришди. Аслида ишхонасида сотиладиган машинанинг ўзи йўқ эди.

Шухрат ундан пулни қайтариб беришни талаб қила бошлади. Йўқса, устидан

ички ишлар бўлимига ариза беришни айтди. Ўйга ботган Фахриддин танишларига бу борада маслаҳат солди. Танишларидан бири унга бир йўлини ўргатди:

— Агар олган пулингни Шухратни ўзим ишлайдиган корхонага ишга киритиш учун олганман деб айтсанг, келгусида унга нисбатан ҳам пора бериш билан боғлиқ иш очилади. У эса мансабдор одам, ўзига нисбатан иш очилса, ишдан кетади. Терговда шундай деб айтсанг, ишинг беш бўлади. Ариза берган одам ўздан кўрқиб ҳам сен билан келишишга мажбур бўлади...

Фахриддин шу ишни қилди. Терговга шу мазмунда кўрсатув берди. Гўё Шухрат уни ишга киритиб қўйиши учун 32 000 доллар берган эмишу, устидан арз қилмаслиги эвазига машина учун деб тилхат ёзириб олганмиш...

Бирок унинг бу ёлғонни кўпикдай ёрилиб кетди. Фахриддин ўз айбини тан олишга мажбур бўлди.

Фахриддиннинг қариндошлари Шухратга етакчилан зарарни қоплашди. Шу боис Шухрат суд мажлисида унга нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилди.

Суд ҳукмига асосан Фахриддин Арслоновга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Ақбар ХАМРАЕВ,**  
Қарши шаҳар прокурорининг ўринбосари



## ОҚИБАТСИЗ ЖИГАРЛАР

Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади. Етти ёт бегоналар, ҳатто ака-укалар орасини иситадиган ёки совутадиган ҳам сўздири.

**А**замат (исмлар ўзгартирилган) оилада уч ўғилнинг ўртанчиси. У акаси Ақобир билан анча йиллар олдин келишмай қолган. Шундан бери ўртада хурмат йўқ, oilавий борди-келди узилган.

Укаси Самар Тошкентда ўқиди ва ота уйига қайтди. Шундан кейин ховлида яшаётган Азамат акаси Ақобир билан муносабатлари яхши бўлмаса-да, қайночасининг ёрдами билан акасининг ховлиси ёнидан ер олди ва уй қуриб, кўчиб ўтди.

Азаматнинг уйи орқасида кўни-кўшилар ўтадиган йўлак бор эди. У иморат кургач, йўлакни ёпиб қўйди. Шундан кейин кўшилари билан ораси бузилди. Бу гаплардан хабар топган маҳалла раиси ва профилактика инспектори уларни муроасага келтирди. Аммо бу билан Азаматнинг муаммолари барҳам топмади.

Сув келадиган ариқ акасининг уйи олдилан ўтади. Кўпийнча акаси сувни ёпиб қўядиган бўлди. Азамат маҳалла раисига мурожаат қилди. Бу муаммо ҳам ҳал этилди, Азамат уйининг орқасидан ариқ казиб, томорқасига сув ўтказадиган бўлди.

Май ойининг охири, айни экинларни суғорадиган маҳал эди. Азамат онасини уйига чақирди. Чунки томорқасига сув қўяётганда акаси ва бошқа кўшилари ўртасида бирор жанжал чиқишини кўнгли сезарди. Ариқни тозалаб, сув қўйишга чоғланди.

Ақобирнинг хотини қайнокасиникига қайнонаси келганини, улар билан яна жанжал бўлишини ўйлаб, эрига кўнги-роқ қилди. Ҳолатни тушунтириб, кичик қайнокаси Самарни жўнатишини сўради. Ароқ ичиб сархуш юрган Самарга бу

ҳолат қаттиқ таъсир қилди. 10-15 дақиқа ўтмай етиб келган Самар машинасини Ақобирникига қўйиб, ғазаб билан Азаматникига кириб борди.

«Сен қачонгача онамни сарсон қиласан, нега онамни чақириб безовта қиласан? Ўзингнинг муаммонгни ўзинг ҳал қилолмайсанми?» дея бақириб келди. Кела солиб Азаматни уриб кетди. У ҳам қараб турмади, ака-ука муштлашиб кетишди. Ажратишга онанинг кучи етмади.

Ўзини сал босиб олган Самар онасини машинага миндириб энди кетмоқчи эди, ортидан жаҳл билан келаётган Азамат машинага қаратиб тош отди. Тошлардан бири теккач, Самарнинг баттар жаҳли чқиди. Машинадан тушиб, акасига қараб югурди. Яна муштлашув бошланди. Азаматнинг хотини жанжални эшитиб уйига

югурди, қайнонаси билан уларни ажратишга уринди. Аммо жаҳлга эрк бериб, кўзи қонга тўлган ака-ука аёлларнинг бақир-чақирига парво қилмади. Азамат шу ерда турган ўроқни олиб, укасига урди. Шу заҳоти Самарнинг усти-боши қон бўлди. У елкасини ушлаб, Ақобирникига ўтди, ховлидаги супага ўтириб қолди. Янгиси унинг жароҳатига нам мато босиб, тез ёрдамга қўнги-роқ қилди. Самар тез ёрдам машинаси келгунча ушнинг вафот этганини айттишди.

Шу заҳоти ИИБ ходимлари етиб келиб, ҳолатни ўрганди. Қилар ишни қилиб, уйига кириб олган Азаматни олиб кетишди.

Суд ҳукми билан Азамат 15 йилга озоликдан маҳрум қилинди.

**Амиржон ХАЙДАРОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Тугал Ражабов табаррук 80 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги 30 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилояти прокуратура органларида турли масъул лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Тугал Ражабовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти ҳуқуқимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, “3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси” унвони, “Прокуратура фахрий ходими” кўрак нишони ва медаллар билан тақдирланган.

Хурматли Тугал Ражабович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

38 йил вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Орипжон Холматов кутлуғ 70 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратурадаги меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан

ҳамкасблари хурматиға сазовор бўлди. Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Орипжон Холматовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Хурматли Орипжон Холматович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

## ВИЖДОН АМРИГА БЎЙСУНИБ...

Гоҳида «Фалончи бировни ишга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, пора олибди» ёки «Институт домласи бир абитуриентни ўқишга кириштириб қўяман деб пул олганида қўлга тушибди» деган гап-сўзлар қулоққа чалинади. Шундай пайтда «Яхши бўлибди. Битта бўлса ҳам порахўр камайибди» дея хурсанд бўламызу, аммо бундай кимсаларнинг қилмишини фош этишга ёрдам берганлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Аслида виждонига қарши бора олмайдиган ана шундай ҳамюртларимиз порахўрликка қарши курашишга маълум даражада ҳисса қўшмоқда.



Гулнора Бобоҷонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам шундайлардан бири. 2019 йилнинг ёзида интернет орқали Сайфуллоҳ исмли афғон йигит билан танишган Гулнора унинг саволларига жавоб қайтариб, ёзишиб юрди. Навбатдаги ёзишмада Сайфуллоҳ ундан нима иш билан

бандлигини сўраган эди, банкка бориб доллар олмоқчилигини айтди-ю «қўлга тушди». Сайфуллоҳ шу заҳоти телефон рақамини ёзиб, кўнғироқ қилишини илтимос қилди. Гулнора ноилоҳ у берган рақамларни терди.  
— Қанча пулингиз бор ўзи? — сўради Сайфуллоҳ.

— 90 миллион сўм.  
— Сиз бироз қутиб туринг. Ўзим сизга қайтиб чиқаман.

Сайфуллоҳ кўп куттирмади. Уч-тўрт дақиқада телефон қилиб, бир долларни 8570 сўмдан алмаштириб бериши мумкинлигини айтган эди, Гулнора рози бўлди.

Умрида кўрмаган-танимаган, фақат ижтимоий тармоқдагина тўрт-беш марта ёзишган бу одам нима учундир унга шубҳали кўринди. Қолаверса, хорижий валютани сотиш ёки харид қилишда ҳеч қандай чеклов йўқлиги ҳақида ўйлаб, бу ҳақда тегишли органларга хабар берди. У ерда Гулноранинг мурожаати асосида тезкор тadbир ўтказиш режалаштирилди. Холислар иштирокида Гулнорага 90 миллион сўм пул берилди. Шу орада Сайфуллоҳ ҳам кўнғироқ қилиб, «Кўйлик дехқон бозори» ёнида учралишини таклиф қилди. Гулнора айтилган вақтда қилишилган жойга етиб борди. Сайфуллоҳ келгач, пулни бериб, долларларни олди. Гулнора у билан хайрлашиб, узоқлашиши билан Сайфуллоҳнинг олдига бир неча киши келиб, ўзларини таништиришди ва тезкор тadbир ўтказилаётганини маълум қилишди. Шунингдек, унинг ёнидан топилган 90 миллион сўм пул расмийлаштириб олинди.

Ўзбекистонда АҚШ доллари тижорат банклари томонидан сотилиши ва сотиб олиниши белгиланганига қарамай хорижий валютани ноқонуний равишда сотган Сайфуллоҳга қилмишига яраша жазо тайинланди.

**Мурод НУРАЛИЕВ,**  
Сергеи тумани прокуратураси терговчиси

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85**



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [f] — tijorat materiali.

Buyurtma v-4431.  
14 717 nusxada basildi.  
Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonada nashriyot: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



**АҚШ президенти Доналд Трамп ўз штабига ҳуқуқатни топшириш бўйича кўрсатма берганини айтди.**

26-NOYABR 2020-Y.

HUQUQ № 47

(1244)

11

# ТАНАМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

ИНСОН ФИЗИОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА **50 ТА** ЭНГ ҲАЙРАТОМУЗ ФАКТ

Одам миясида бир кунда 60 мингдан зиёд турли хаёл кечар экан. Инсон танаси нафақат кўркам ва мукамал, шу билан бирга, ўта мураккаб яратилгандир. Асрлар давомида бунинг сирини ўрганаётган тадқиқотчилар инсон физиологиясининг кўплаб фактларини келтиришса-да, баъзи жиҳатларни тушунолмаи ҳамон ҳайратда эканлиги ҳам ҳақиқатдир.

## ИЧКИ АЪЗОЛАР ВА ТИЗИМЛАР

- Юрак ўртача умр давомида **5,7 млн.** литр қон ҳайдайди.
- Юрак ҳосил қилган босим билан қонни 4 қават баландликкача кўтариш имумкин.
- Аёллар юраги эркекларникидан тезроқ уради.
- Қон томирларининг умумий узунлиги **> 100** минг км.га тенг.
- Энг катта ички аъзо, ингичка ичак ҳисобланади.
- Урта бўйли одамдан **4** баравар узун.
- Унғ ўпка чапдагисидан каттароқ.
- Ўпка юзаси тахминан теннис корти майдонига тенг.

## МИКРОФЛОРА, ФЕРМЕНТЛАР, ЭЛЕМЕНТЛАР

- Инсон танасида яшовчи бактерияларнинг умумий вази **2 кг.**
- 1%** бактериялар касалликларга сабабчи бўлади.
- Оғиз бўшлиғида **> 40** мингга яқин бактерия мавжуд.
- Инсон танасида камида **700** та фермент мавжуд.
- Инсон танасидаги барча темир моддасидан соат учун кичкинагина мурват яшаш мумкин.
- Инсон танасидаги барча олтунгургурт — итдаги барча бургаларни йўқ қилиш учун кифоя қилади; углероддан — **900** та қалам ясаш; ёғлардан — **7** дона совун ишлаб чиқариш; сув — билан эса **50** литрлик идишни тўлдириш мумкин.

## ОРГАНИЗМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

- Инсон аксирганда тананинг барча аъзолари ҳатто юрак ҳам фаолиятини тўхтатиб туради.
- Очиқ кўз билан аксиришнинг иложи йўқ.
- Кўзларни очиб юмиш эркекларда аёлларга нисбатан **2** баравар кўп.
- Балоғатга етган одам бир кунда **23** минг марта нафас олади.
- 60** ёшга етгач аксарият одамлар таъм рецепторларининг ярмини йўқотади.
- Йўталганда ҳаво ҳаракати тезлиги **100** км. соатга тенг.

## МАВЗУГА ОИД

- Ер қурра-сидаги барча одамларни бемалол томонлари **1** км.лик кубга жойлаштириш мумкин.
- Юрак хуружи хаффи ҳафтанинг бошқа кунларига нисбатан душанба кунни кўпроқдир.
- Одамнинг бўйи кечқурунча қараганда эрталаб ўртача **8 мм.** баландроқ бўлади.
- Киндикнинг илмий номи — **умбиликус.**
- Парвоз вақтида сочининг усиши икки баравар тезлашади.
- Инсон очликдан кўра, уйқусизликдан тезроқ вафот этади. Уйқусизликдан ўлим тахминан 10 кундан кейин, очликдан эса 2 ой еки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгач, содир бўлади.
- Оғиз бўшлиғидаги кислота миқдорини меъёрга келтиришда давомий бўса олиш сақичга қараганда фойдалироқ.
- Инсон ҳаёти давомида ўртача **2** ҳафта умрини бўса олишга сарфлайди.

## МИЯ ВА ХОТИРА

- Инсон хотираси ўзида деярли **1 Пбайт** маълумотни сақлашга қодир. Янаям аниқроғи: **1 млн. Гб** ёки **1** квадрлн. байт
- Бундай катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш учун мия атиги **20 Вт.** энергия сарфлайди. У ер сайёрасидаги энг самарали ҳисоблаш мосламаси дейиш мумкин.
- Миядаги асаб импульси соатига **274** км. тезликда ҳаракатланади.
- Бир сонияда мияда **100** мингга яқин кимёвий реакциялар содир бўлади.
- Уйқуга кетиш учун ўртача **7** дақиқа вақт етади.
- Инсон кўрган тушларининг **90%** унутади.
- Бўса олиш мияда худди парашют билан сакраш ёки тўппончадан ўқ отиш ҳиссиёти каби кимёвий реакцияларни келтириб чиқаради.

## БОШ

- Кўз шох пардаси қон билан таъминланмайдиган ягона аъзо бўлиб, у кислородни тўғридан-тўғри ҳаводан олади.
- Мовий кўз одамларда бошқаларга нисбатан **оғриқ** ҳисси кўпроқдир.
- Одам бош чаноғи **29** та суякдан иборат.
- Инсон лаблари бармоқ учларига нисбатан **юз марта** сезгирроқдир.
- Танадаги ҳароратнинг **80%** бош орқали чиқиб кетади.
- Одамларнинг тахминан учдан икки қисми ўпишаётганда бошини **ўнғ** томонга эгади.
- Қулоқ билан бурун умр давомида **ўсишдан** тўхтамайди.

## СУЯКЛАР, ТЕРИ, МУШАКЛАР

- Айрим суяклар пўлатдан **5 қарра** мустаҳкамдир.
- Гўдаклиқда танада **300** тагача суяк бўлиб, улгайғач уларнинг фақат **206** таси қолади.
- Одам жилмайганда **17** та, хўмрайганда эса **43** та мушгаи ишлайди.
- Танадаги энг кучли мушак **тилдир.**
- Тиш эмали организм ишлаб чиқарадиган энг қаттиқ тўқимадир.
- Организмдаги кальций миқдорининг **99%** тишларда.
- Ўртача умр давомида инсон териси тахминан **минг марта** янгиланади.

## ТИРНОҚ ВА СОЧЛАР

- Ўртача умр давомида ўстирилган сочларнинг умумий узунлиги тахминан **725** км.
- Оёқ тирноқларининг ўсиши кўлларидагига қараганда **4** марта секин.

Гофуржон АЛИМОВ тайёрлади  
Манба: «ДНФ» (№47, 2020 й.)